— ҳамсоя энг қадрли дұст, яқын ҳамсұхбат кишидір. Ҳалқымызда мавжуд: "хөвли олма, қүшни ол" иборасы ҳам ҳадис моһиятига ҳамоғандыр. Қүшничиликда уч асосий нарса ҳисобға олинмайды: Аввало қүшнининг миллати; иккінчидан, қүшнининг дини ва учинчидан, қүшнининг касби-кори. Дарҳақиқат қүшничилик ҳақи үнга (қүшнига) озор етмасликка земас, балки қүшнидан келған озорға ҳам сабр тоқат қилишга асосланади. Ҳадис мазмунига асосан мүмин киши қүшниси оч бўлған ўринда ўзини тўқ ҳисобламайди, унинг аҳволидан ҳабар топади. Мұхтож бўлиб қопса, үнга ёрдам қўлини чўзади, бу қўшнининг энг олий бурчи.

"Беш нарсага нописанд бўлған беш нарсани йўқотади:

- 1) олимларга беписанд динини йўқотади;
- 2) бошқарувчиларга нописанд дунёсини йўқотади;
- 3) қўшиналариға нописанд манбаатларини йўқотади;
- 4) қариндошиларига нописанд угларнинг севгисини йўқотади;
- 5) оша аъзоларига нописанд ҳузур-халоватини йўқотади"

«Олтин ўғитлар» китобидан

11

2012

ДЕКАБРЬ

27

1434

Мухаррам

*Одам тар иккى нарса билан
тақдирланишиди: яхшилик
қылган – яхшилик билан,
ёмонлик қылган – ёмонлик билан.*

СЕШАНБА	Тонг	Күш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	05:58	07:28	12:13	14:42	16:40	18:10
Андижон	05:46	07:16	12:01	14:30	16:28	17:58
Бухоро	06:19	07:49	12:34	15:03	17:01	18:31
Гулистан	06:05	07:35	12:20	14:49	16:47	18:17
Жиззах	06:04	07:34	12:19	14:48	16:46	18:16
Навоий	06:17	07:47	12:32	15:01	16:59	18:29
Наманган	05:48	07:18	12:03	14:32	16:30	18:00
Нукус	06:36	08:06	12:51	15:20	17:18	18:48
Самарқанд	06:07	07:37	12:22	14:51	16:49	18:19
Термиз	06:05	07:35	12:20	14:49	16:47	18:17
Урганч	06:33	08:03	12:48	15:17	17:15	18:45
Фарғона	05:48	07:18	12:03	14:32	16:30	18:00
Қарши	06:09	07:39	12:24	14:53	16:51	18:21

ОШҚОВОҚ – ҚИШНИНГ ҚОВУНИ

Абу Али ибн Сино ошқовоқ тұғрисида ажайиб фикрлар айтган:

“... Ошқовоқни қайнатиб шарбати ичилса, йұтал ва күкракда пайдо бўлган оғриқни қолдиради...

... Хом (пиширилмаган) ошқовоқдан олинган шарбатни бурунга томизиши билан тиш оғригини тұхтатиши мумкин...

... Ошқовоқ киши ошқозони учун ғоят фойдалидир. У намлантирадиган ва чанқоқни босадиган дорилардан биридир...

... Ошқовоқни қайнатиб, асал билан еса, нафи катта бўлади...”

Табиб Ҳаким Шаҳобиддин “Сабзавотлар ҳақида” номли шеърий асарида ошқовоқ тұғрисида бундай ёзган:

Соевуғу, бод кўзгар танда ошқовоқ,
 Соевуқ мижозлилар өмасин мутлоқ.
 Иссиқ мижозлиларга кўп фойда этар
 Ҳалкум билан танни яна юмшатар.

Ошқовоқни ёш гўдаклардан тортиб қарияларгача тез-тез еб туриши керак. Сутга қайнатилған ёки палла-

*Ганирмай пушаймон бўлиш
ганириб пушаймон бўлишдан
афзал.*

**2012
ДЕКАБРЬ**

12

Муҳаррам 1434 28

ЧОРШАНБА	Тонг	Куёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	05:59	07:29	12:13	14:41	16:39	18:09
Андижон	05:47	07:17	12:01	14:29	16:27	17:57
Бухоро	06:20	07:50	12:34	15:02	17:00	18:30
Гулистон	06:06	07:36	12:20	14:48	16:46	18:16
Жиззах	06:05	07:35	12:19	14:47	16:45	18:15
Навоий	06:18	07:48	12:32	15:00	16:58	18:28
Наманган	05:49	07:19	12:03	14:31	16:29	17:59
Нукус	06:37	08:07	12:51	15:19	17:17	18:47
Самарқанд	06:08	07:38	12:22	14:50	16:48	18:18
Термиз	06:06	07:36	12:20	14:48	16:46	18:16
Урганч	06:34	08:04	12:48	15:16	17:14	18:44
Фарғона	05:49	07:19	12:03	14:31	16:29	17:59
Қарши	06:10	07:40	12:24	14:52	16:50	18:20

палла қилиб қасқонда буғлаб қаймок суртилгани ҳам лаззат бахш этади, ҳам саломатлик ато қиласди. Мана шу овқатлар халқ табобатида ёш организмнинг тўғри ўсишига ва қариган аъзоларнинг фаолиятини чўзишига восита бўладиган бир шифо тарзида истеъмол қилинган.

Эндилиқда шифохоналаримизда ҳам ошқовоқ таомлари юрак қон-томир касалларлари билан оғриганларга дори сифатида едирилмоқда. Бу яна гастрит, ошқозон жароҳати, буйрак хасталиги, йўтал, астма ва томоги пасотлаб буғма бўлганларга ҳам шифодир.

Қовун ҳам киши организми учун фойдалидир. Ҳақиқий миришкор қўли билан етиштирилган тилни тилим-тилим қиласдиган қовун буйракдаги тошни майдалайди. Ошқовоқ эса қишининг қовунидир.

Еган таомига шукур қилиб юрувчи одам, сабр ила рўза тутган одам билан баробардир.

* * *

Оз бўлса ҳам, бериган незматнинг шукрини адo этиб юрганинг, кўп бўлиб, шукрини қилолмаганингдан афзалидир.

Ҳадис

13 2012 ДЕКАБРЬ

29 1434 Мухаррам

*Насиҳат ҳақиқий даво,
ундан ичган одам ёқимсиз
хулқтардан озод булади.*

ПАЙШАНБА	Тоңт	Күёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	06:00	07:30	12:12	14:39	16:37	18:07
Андижон	05:48	07:18	12:00	14:27	16:25	17:55
Бухоро	06:21	07:51	12:33	15:00	16:58	18:28
Гулистан	06:07	07:37	12:19	14:46	16:44	18:14
Жиззах	06:06	07:36	12:18	14:45	16:43	18:13
Навоий	06:19	07:49	12:31	14:58	16:56	18:26
Наманган	05:50	07:20	12:02	14:29	16:27	17:57
Нукус	06:38	08:08	12:50	15:17	17:15	18:45
Самарқанд	06:09	07:39	12:21	14:48	16:46	18:16
Термиз	06:07	07:37	12:19	14:46	16:44	18:14
Урганч	06:35	08:05	12:47	15:14	17:12	18:42
Фарғона	05:50	07:20	12:02	14:29	16:27	17:57
Қарши	06:11	07:41	12:23	14:50	16:48	18:18

ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО ЖАСОРАТИ

Хоразмни истило қилишдан аввал, Чингизхон донғи ўз ватанидан узоқ-узоқларга ҳам ёйилган Шайхга илтимос билан злчи йўллайди: “Мен Хоразмни қатли ом қипмоқчиман. Сиз сила аъзоларингиз билан шаҳарни тарқ этиб, хоҳлаган томонингизга кетишингиз мумкин!”. Ватанпарвар Шайх унга шундай жавоб қайтарди: “Менинг 75 йиллик умрим шу тупроқда кечди. Шу ҳалқ билан бирга ҳаётнинг бутун аччик-чучугини тотдим. Энди унинг бошига оғир кун тушганда ташлаб кетиш мардлиқдан змас!”

Нажмиддин Кубронинг ҳиммати ва муруввати шу қадар буюкки, бошқа ўлкалардан келган муридларининг бегона тупроқда ўлиб кетишлиарини истамайди. Уларни туғилган юртларига жўнатиб, ўзи шаҳарни мудофаа қилишга отланади. Шогирдларининг бирга кетиш тўғрисидаги таклифларига жавобан: “Мен шу ерда шаҳид бўламан. Менга Хоразмни тарқ этишга рұксат йўқ!” – дейди ва қўлига шамшир тутиб, қўйнига тош тўлдириб, ёв қарисига чиқади. Уларга тош отади, бир нечтасини найза билан уриб йиқитади. Душманлар унга камондан ўқ узадилар. Ўклардан бири Шайхнинг юрагига санчилади. Шаҳид бўлаётган пайтида, у душман қўлидан байроғини тортиб олиб, шу даражада маҳкам сиқиб ушлаганки, ўн киши бўлиб ҳам унинг

ЖУМА	Тонг	Күёш	Пешин	Аср	Шом	Жуфтон
Тошкент	06:01	07:31	12:12	14:37	16:35	18:05
Андижон	05:49	07:19	12:00	14:25	16:23	17:53
Бухоро	06:22	07:52	12:33	14:58	16:56	18:26
Гулистан	06:08	07:38	12:19	14:44	16:42	18:12
Жиззах	06:07	07:37	12:18	14:43	16:41	18:11
Навоий	06:20	07:50	12:31	14:56	16:54	18:24
Наманган	05:51	07:21	12:02	14:27	16:25	17:55
Нукус	06:39	08:09	12:50	15:15	17:13	18:43
Самарқанд	06:10	07:40	12:21	14:46	16:44	18:14
Термиз	06:08	07:38	12:19	14:44	16:42	18:12
Урганч	06:36	08:06	12:47	15:12	17:10	18:40
Фарғона	05:51	07:21	12:02	14:27	16:25	17:55
Қарши	06:12	07:42	12:23	14:48	16:46	18:16

қўлидан байроқни олишолмагач, бармоқларини кесишига мажбур бўлишган. Шайхнинг бу жасорати ёвни ҳам ҳайратга солган. Мазкур воқеа тилдан-тилга ўтиб, афсонага, халқ учун ибрат намунасига айланади.

МЎЊЖИЗА

Баҳоуддин Нақшбанддан сўрашибди:

– Бир мўњиза кўрсатсангиз?

Буюк тариқат пири ўрнидан турибди-да, уйни бир айланиб, яна ўрнига ўтирибди.

– Бунинг нимаси мўњиза? – деб ҳайрон бўлишган экан:

– Тоғдай оғир гуноҳлар билан қушдай ёнгил турганимнинг ўзи мўњиза эмасми? – деб жавоб берибди.

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

Бир киши Абу Али ибн Сино ҳузурига келиб:

– Фарзандли бўлдим, уни қандай тарбия қиласи? – деб маслаҳат сўрабди.

– Фарзанд кўрганингизга қанча бўлди? – деб сўрабди улут ҳаким.

– Олти ой, – жавоб берибди ҳалиги киши.

– Унда олти ойга кечикибсиз...

«Шарқ ривоятлари» китобидан

15

2012
ДЕКАБРЬ

I 1434

Сафар

У нарса кишиниң күйнаб,
тәифлаштиради. Улар: өахит билан
бирга яшаш, тенса-тебранимас киши
билан улфат бўлиш, бажарилши
узокка чўзиладиган саъда

ШАНБА	Тонг	Күёш	Пежин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	06:02	07:32	12:12	14:36	16:34	18:04
Андижон	05:50	07:20	12:00	14:24	16:22	17:52
Бухоро	06:23	07:53	12:33	14:57	16:55	18:25
Гулистон	06:09	07:39	12:19	14:43	16:41	18:11
Жиззах	06:08	07:38	12:18	14:42	16:40	18:10
Навоий	06:21	07:51	12:31	14:55	16:53	18:23
Наманган	05:52	07:22	12:02	14:26	16:24	17:54
Нукус	06:40	08:10	12:50	15:14	17:12	18:42
Самарқнд	06:11	07:41	12:21	14:45	16:43	18:13
Термиз	06:09	07:39	12:19	14:43	16:41	18:11
Урганч	06:37	08:07	12:47	15:11	17:09	18:39
Фарғона	05:52	07:22	12:02	14:26	16:24	17:54
Қарши	06:13	07:43	12:23	14:47	16:45	18:15

НАФСИМИЗНИ ЖИЛОВЛАЙ ОЛМАСАК...

Маълумки, хаста бир вужуд аспо хотиржам бўлмайди. Шу боис Аллоҳ таоло инсонлар ҳузур-ҳаловати, саодати ва ҳаётини баҳтиёр ўтказиши учун Қуръони каримни нозил қилди. Аллоҳ таоло биз учун қайғуриб, бизга гўзал ҳукмлар юборди.

Бизнинг вазифамиз эса ўша ҳукмларни чиройли тарзда ўз нафсимизга, ҳаётимизга татбиқ этмоқдир. Ислом дини, Қуръони карим инсон ҳаётида акс этиши лозим. Шу низом, дастур ва қонунлар ижроси туфайли инсон зоти ҳузур-ҳаловат ва баҳт-саодатга эришади.

Инчинун, Қуръони каримни киши ўқибгина қолмай, унинг маъноларини уқишига интилиши лозим.

Аллоҳнинг китобида, сен ўз билганингча эмас, мана бундай тарзда яшашга мажбурсан; ҳузур-ҳаловатинг учун, жамият, инсоният саодати учун бу кўрсатмаларга амал қилишга мажбурсан, дёя буюрилади.

Масалан, оилани олайлик. У ўзича кичик бир дунё. Эр-хотин, икки-уч боладан иборат хонадонда тартиб-интизом бўлмаса, ундаги ҳаётнинг ҳузур-ҳаловати ҳақида гапириш мумкин эмас, албатта.

Агарда бу дунёда мўътабар, мукаммал бир қонун-

*Сен ризқни қидирсанг, у ҳам
сени қидиради.*

**2012
ДЕКАБРЬ**

16

Сифар 1434 2

ЯКШАНБА	Тонг	Куёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	06:03	07:33	12:12	14:35	16:33	18:03
Андижон	05:51	07:21	12:00	14:23	16:21	17:51
Бухоро	06:24	07:54	12:33	14:56	16:54	18:24
Гулистан	06:10	07:40	12:19	14:42	16:40	18:10
Жиззах	06:09	07:39	12:18	14:41	16:39	18:09
Навоий	06:22	07:52	12:31	14:54	16:52	18:22
Наманган	05:53	07:23	12:02	14:25	16:23	17:53
Нукус	06:41	08:11	12:50	15:13	17:11	18:41
Самарқанд	06:12	07:42	12:21	14:44	16:42	18:12
Термиз	06:10	07:40	12:19	14:42	16:40	18:10
Урганч	06:38	08:08	12:47	15:10	17:08	18:38
Фарғона	05:53	07:23	12:02	14:25	16:23	17:53
Қарши	06:14	07:44	12:23	14:46	16:44	18:14

қоида, интизом бўлмаса, ҳузур-ҳаловат ва саодат ҳам бўлмайди.

Биз эртага нима бўлишини билолмаймиз. Билсак, шунга кўра режа тузиб олардик. Шунинг учун бугун тузган режаларимиз эртанинг талабларига жавоб бермай қолади. Кейин қанча машаққатлар ва ҳаракатлар билан тузган қоидаларимизни бузиб, янгисини тузамиз.

Бундай ортиқча сарсон-саргардонлик, меҳнат-машаққатлар ўрнига Қиёматга қадар азиз ва мўътабар бўлган нарсага эргашсак, яхши эмасми?

Аллоҳ таоло бугун ва эртага, бу йил ва келгуси йил, Қиёматга қадар дунёда нималар бўлишини – ҳамма-ҳаммасини яхши билади. Шунга кўра У инсонлар ва дунё учун лозим бўлган ўта мукаммал, бекаму кўст бир Низом юборди. Бироқ афсуски, биз нафсимизга қул бўлганимиз учун бу Низомга амал қилаётганимиз йўқ.

Ҳа, нафс орзу-истаклари чексизадир. Нафс фақат ўзини ўйлайди. Ваҳоланки, нафс учун фойдали туюлган нарса инсон ва жамиятга зарар келтириши мумкин. Зоро, биз зарарли, фойдасиз нарсаларни тарк этишимиз лозим. Бу эса, ёлғиз испомият орқали амалга ошади. Фақат мусулмон киши бу ишнинг уддасидан чиқади. Аллоҳга ишонган, аҳли тақво-обид кимсалар эплайди

17

2012
ДЕКАБРЬ

3 1434

Сафар

Чақимчининг иши бир онда тугайди, аммо фитнаси узок давом этади.

ДУШАНБА	Тонг	Куёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	06:05	07:35	12:12	14:34	16:32	18:02
Андижон	05:53	07:23	12:00	14:22	16:20	17:50
Бухоро	06:26	07:56	12:33	14:55	16:53	18:23
Гулистан	06:12	07:42	12:19	14:41	16:39	18:09
Жиззах	06:11	07:41	12:18	14:40	16:38	18:08
Навоий	06:24	07:54	12:31	14:53	16:51	18:21
Наманган	05:55	07:25	12:02	14:24	16:22	17:52
Нукус	06:43	08:13	12:50	15:12	17:10	18:40
Самарқанд	06:14	07:44	12:21	14:43	16:41	18:11
Термиз	06:12	07:42	12:19	14:41	16:39	18:09
Урганч	06:40	08:10	12:47	15:09	17:07	18:37
Фарғона	05:55	07:25	12:02	14:24	16:22	17:52
Карши	06:16	07:46	12:23	14:45	16:43	18:13

буни. Дарвоқе, Аллоҳга ишонч билан бирга кучли ибодат ҳам керак. Тоат-ибодат, итоат қилиш ва мутеъ бир қул бўлиш шарти бажарилиши лозим. Шунда саодатга эришилади...

Мусулмон киши Аллоҳ таолога ишонгани, Уни севгани ва Ундан қўрқани учун нафсини жиловлайди; Аллоҳ таолонинг амрларига итоат этади. Унинг суюкли пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг кўрсатмаларига амал қиласди; фидойи бўлади. Чунки у ҳаёт факат бу дунёдангина иборат эмаслигига ишонади. У муҳим ва гўзал бир ҲАЁТ – ОХИРАТ кутаётганини унутмайди. Ўлимдан, ҳисоб-китобдан кейин Аллоҳ таоло мўминларга, аҳли тақволярга гўзал бир ҳаёт баҳш этади. Чин мўмин ўша ҳаётга ишонади ва манзилга ёруғ юз ила етмоқ учун фидойилик қиласди. Нафсоний орзуларига: «Тўхта!» дея буйруқ беради, уни жиловлайди.

Агар биз мўмин бўлатуриб, нафсимизни жиловлай олмасак, демак, биз ҳақиқий мўмин эмасмиз; комил мўмин ва комил имон эгаси эмасмиз. Комил имонга эга бўлмаганимиздан нафсоний орзу-ҳавасларни жиловлай олмаяпмиз.

Умар Форук Сайдо ал-Жазарий

**Ҳасадчига азоб шарт эмас,
чунки у сенинг шодлигинги
кўрганда ўз-ўзидан
азобланаверади.**

**2012
ДЕКАБРЬ 18**

СЕШАНБА	Тонг	Куёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	06:06	07:36	12:12	14:33	16:31	18:01
Андижон	05:54	07:24	12:00	14:21	16:19	17:49
Бухоро	06:27	07:57	12:33	14:54	16:52	18:22
Гулистон	06:13	07:43	12:19	14:40	16:38	18:08
Жиззах	06:12	07:42	12:18	14:39	16:37	18:07
Навоий	06:25	07:55	12:31	14:52	16:50	18:20
Наманган	05:56	07:26	12:02	14:23	16:21	17:51
Нукус	06:44	08:14	12:50	15:11	17:09	18:39
Самарқанд	06:15	07:45	12:21	14:42	16:40	18:10
Термиз	06:13	07:43	12:19	14:40	16:38	18:08
Урганч	06:41	08:11	12:47	15:08	17:06	18:36
Фарғона	05:56	07:26	12:02	14:23	16:21	17:51
Қарши	06:17	07:47	12:23	14:44	16:42	18:12

АМАЛИМ ҚАБУЛ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

Ҳазрати Умарнинг, розийалпоҳу анҳу, озод этилган қули Абу Айуб Сулаймондан: “Бир пайшанбадан жумага ўтар кечаси Абу Ҳурайра, розийалпоҳу анҳу, олдимизга келди ва:

— Аллоҳни яхши кўрсангиз, орангизда қариндошлиқ ҳаққига риоя қилмаган, уни бузган киши бўлса, бу ёрдан кетсин, — деди. Ҳеч ким жойидан қимирламади.

Нихоят, бу сўзни уч марта такрорлагач, бир ёш йигит ўрнидан туриб, икки йилдан бери безътибор ташлаб қўйган ва гаплашмаётган аммасининг олдига борди. Аммаси:

— Кутилмаган ҳол? — деди.

— Абу Ҳурайра айтдилар, — деди йигит.

— Бориб сўра-чи, нима учун бундай деган экан?

Бориб сўраганида Абу Ҳурайра йигитга шундай дедилар:

— Жаноби Пайғамбаримизнинг, соллалпоҳу алайҳи ва саллам: “Одам болаларининг амаллари ҳар пайшанба оқшоми, яъни жума кечаси Аллоҳга тақдим этилади. Фақат орангизда қариндошлиқ ҳаққига риоя этмаган кимсанинг амаллари қабул бўлмайди”, деб марҳамат қилганларини эшитганим учун шундай деган эдим”.

19

2012
ДЕКАБРЬ

5 1434

Сафар

*Мол ва боғликтининг умри қисқа,
тезда завод топади. Аммо яхши
ном узоқ асрлар ўлмай яшайди.*

ЧОРШАНБА	Тонг	Куёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	06:07	07:37	12:11	14:33	16:31	18:01
Андижон	05:55	07:25	11:59	14:21	16:19	17:49
Бухоро	06:28	07:58	12:32	14:54	16:52	18:22
Гулистан	06:14	07:44	12:18	14:40	16:38	18:08
Жиззах	06:13	07:43	12:17	14:39	16:37	18:07
Навоий	06:26	07:56	12:30	14:52	16:50	18:20
Наманган	05:57	07:27	12:01	14:23	16:21	17:51
Нукус	06:45	08:15	12:49	15:11	17:09	18:39
Самарқанд	06:16	07:46	12:20	14:42	16:40	18:10
Термиз	06:14	07:44	12:18	14:40	16:38	18:08
Урганч	06:42	08:12	12:46	15:08	17:06	18:36
Фарғона	05:57	07:27	12:01	14:23	16:21	17:51
Қарши	06:18	07:48	12:22	14:44	16:42	18:12

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Бир йигит уйланмоқчи бўлибди, лекин ҳоҳлаганидай қизни учрата олмабди. Ҳеч бири унинг имтиҳонидан ўта олмабди. Нихоят, қизлардан бири унинг мақсадини англабди. Яширин ҳолда бутун хулқ-авторини ўрганибди. Кейин синовдан ўтиб, оила курибди.

Турмушнинг биринчи куни йигит ип билан боғланган қоғоз халтада қаҳва олиб келибди. Хотини қоғоз халтани авайлаб очибди, бўшатишда бурчакларида қолган қаҳваларни ҳам қоқиб туширибди. Қоғозини тахлаб токчага олиб қўйибди. Ипини ҳам ташлаб юбормабди. Хотининг ҳаракатларини кузатиб турган эр, чидаёлмай:

– Шу бир қарич ип билан қоғоз халтани асраб қўйишнинг нима ҳожати бор? – деб сўрабди.

– Хўжайн! Рўзгорда ҳар хил ҳолат бўлади. Шу ип бирор ҳожатимиизга ярап, қоғоз ҳам керак бўлиб қолиши мумкин. Ахир керакли тошнинг оғири йўқ, – деб жавоб қилибди хотини.

Эрининг дилидан: “Излаганим худди шу” деган ўй ўтибди. Шундай қилиб, эр-хотин баҳтиёр ҳаёт кечиришибди.

ҚИССАДАН ҲИССА: Одоб-ахлоқи, ўзини тутиши ҳар кимга ёқадиган, тежамкор, тарбияли ва номус-

*Раҳм ва инсон ҳақиқий инсон
насибасидир.*

**2012
ДЕКАБРЬ**

Сафар 1434

6

ПАЙШАНБА	Тоңт	Куеш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	06:08	07:38	12:11	14:32	16:30	18:00
Андижон	05:56	07:26	11:59	14:20	16:18	17:48
Бухоро	06:29	07:59	12:32	14:53	16:51	18:21
Гулистан	06:15	07:45	12:18	14:39	16:37	18:07
Жиззах	06:14	07:44	12:17	14:38	16:36	18:06
Навоий	06:27	07:57	12:30	14:51	16:49	18:19
Наманган	05:58	07:28	12:01	14:22	16:20	17:50
Нукус	06:46	08:16	12:49	15:10	17:08	18:38
Самарқанд	06:17	07:47	12:20	14:41	16:39	18:09
Термиз	06:15	07:45	12:18	14:39	16:37	18:07
Урганч	06:43	08:13	12:46	15:07	17:05	18:35
Фарғона	05:58	07:28	12:01	14:22	16:20	17:50
Қарши	06:19	07:49	12:22	14:43	16:41	18:11

ли аёллар қанчалар яхши. Бесарамжон аёлга уйланган кишининг аянчли аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундай аёлга учраган кишининг ҳаётига путур етади. Ҳақиқатан, ҳар бир ишни аниқ вақтида бажариш төтүв яшашнинг калитидир.



**Ақли ҳукмдор, нафс-ҳавоси асир бўлган киши
нақадар бахтиёр;**

**Ҳавойи нафси ҳукмдор, ақли эса асир бўлган
киши нақадар бахтсиз!**



**Етимнинг ва мазлумнинг баддуосидан эҳтиёт
бўл. У кечаси, инсонлар уйқудалигида йўл олади.**

Абу Дардо (р.а.)



“Икки нарса қалбни қаттиқлаштиради: кўп ухлаш ва кўп ейиш”

Фузайл ибн Иёз (роҳимаҳуллоҳ)

21

2012
ДЕКАБРЬ

7

1434

Сафар

*Донолар сұхбатида ўтириб,
чирошли хулқларни ўрганған
киши баҳтиәр кишиидир.*

ЖУМА	Тонг	Күеш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	06:09	07:39	12:11	14:31	16:29	17:59
Андижон	05:57	07:27	11:59	14:19	16:17	17:47
Бухоро	06:30	08:00	12:32	14:52	16:50	18:20
Гулистан	06:16	07:46	12:18	14:38	16:36	18:06
Жиззах	06:15	07:45	12:17	14:37	16:35	18:05
Навоий	06:28	07:58	12:30	14:50	16:48	18:18
Наманган	05:59	07:29	12:01	14:21	16:19	17:49
Нукус	06:47	08:17	12:49	15:09	17:07	18:37
Самарқанд	06:18	07:48	12:20	14:40	16:38	18:08
Термиз	06:16	07:46	12:18	14:38	16:36	18:06
Урганч	06:44	08:14	12:46	15:06	17:04	18:34
Фарғона	05:59	07:29	12:01	14:21	16:19	17:49
Қарши	06:20	07:50	12:22	14:42	16:40	18:10

МЕҲМОНДОРЧИЛИК ОДОБИ

Ривоят қилинадыки, бир киши бир донишмандни уйига меҳмонга чақирди. Олим киши дедики: «Уч шарт билан таклифингни қабул қиласан. Аввали шулки, менга заҳар бермайсан. Иккинчиси, сенга дўст ва менга душман бўлган кимсанни менинг олдимга киргизмайсан. Учинчиси, мени зинданга ташламайсан». Мезбон шартларни қабул қилиб, меҳмонни уйига олиб боради ва уч шартни ҳам бузади:

1. Таом келтиргандан кейин меҳмонни тоқатидан ортиқ ейишига мажбур қилди. 2. Дастурхон устига меҳмон ҳузурига ёш болаларни келтирди. 3. Меҳмон кетмоқ учун рухсат сўраганда ижозат бермади. Ҳаким: «Биродар, уч шартни ҳам бузиб, аҳдингта вафо қилмадинг», – деб туриб кетади. Назм:

Бири гор меҳмон ижозатхоҳдур,
 Ё бир иш, ё азми қасди роҳдур.
 Мезбон берсун ижозатни анга,
 Хоҳ келсун, хоҳ кетсун ҳар ёнга.

*Меҳмон ўз ризқи билан келади ва уй эгасининг
гуноҳлари магфират қилинган ҳолда қайтади.*

Ҳадиси шариф

*Кимки зл учун ҳимматини
ошира, зл ичиди иззати
тўлиб-тошади.*

**2012
ДЕКАБРЬ**

22

Сафар 1434 8

ШАНБА	Тонг	Куёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	06:11	07:41	12:12	14:31	16:29	17:59
Андижон	05:59	07:29	12:00	14:19	16:17	17:47
Бухоро	06:32	08:02	12:33	14:52	16:50	18:20
Гулистон	06:18	07:48	12:19	14:38	16:36	18:06
Жиззах	06:17	07:47	12:18	14:37	16:35	18:05
Навоий	06:30	08:00	12:31	14:50	16:48	18:18
Наманган	06:01	07:31	12:02	14:21	16:19	17:49
Нукус	06:49	08:19	12:50	15:09	17:07	18:37
Самарқанд	06:20	07:50	12:21	14:40	16:38	18:08
Термиз	06:18	07:48	12:19	14:38	16:36	18:06
Урганч	06:46	08:16	12:47	15:06	17:04	18:34
Фарғона	06:01	07:31	12:02	14:21	16:19	17:49
Қарши	06:22	07:52	12:23	14:42	16:40	18:10

МУҲИМ САВОЛ-ЖАВОБЛАР

Савол: Дўстлар орасидаги одобнинг шарти неча?

Жавоб: Уларнинг дўстлигида ҳеч ғараз бўлмасин ва улар беш хислатга эга бўлмоғи лозим: 1. Ақлли бўлмоғи, зоро, ақлсизнинг сұхбатида ҳеч хайрият (яхшилик) йўқтур. Улуғлар айтибдурлар: «Доно душман нодон дўстдан яхшидир». 2. Хулқли, одобли бўлсин, чунки ахлоқсиз инсон билан сұхбат осонликча муюссар бўлмас. 3. Салоҳи нафс, яъни нафсины тийган бўлсин, муфсид ва фосиқ бўлмасин. 4. Қаноатманд бўлсин, зоро, ҳар ким дунёдўст, ҳарис бўлса, унинг сұхбати мисли заҳри қотилдир. 5. Ростлик ва ростгўйлик сифатларига эга бўлмоғи лозим, чунки қаллоб ва фирибгардан ҳеч роҳат пайдо бўлмас ва айтган сўзига ҳеч қачон зътимод ҳам қилиб бўлмас.



Савол: Фараздан холи мазкур сифатларга эга бўлган ҳақиқий дўст пайдо бўлса, у билан неча нав одоб воситасида риоя қилмоқ керак?

Жавоб: Йигирма нав: 1. Агар сенга ҳожати тушса, ундан молингни дариғ тутма, яъни иложи борича унинг ҳожатини чиқаришга ҳаракат қил. 2. Унинг сири-

23

2012
ДЕКАБРЬ

9

1434

Сафар

Маіманлық жиловини
үшләгән киши хорлық аловини
үшләйди.

ЯКШАНБА	Тонг	Күёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	06:12	07:42	12:12	14:30	16:28	17:58
Андижон	06:00	07:30	12:00	14:18	16:16	17:46
Бухоро	06:33	08:03	12:33	14:51	16:49	18:19
Гулистан	06:19	07:49	12:19	14:37	16:35	18:05
Жиззах	06:18	07:48	12:18	14:36	16:34	18:04
Навоий	06:31	08:01	12:31	14:49	16:47	18:17
Наманган	06:02	07:32	12:02	14:20	16:18	17:48
Нукус	06:50	08:20	12:50	15:08	17:06	18:36
Самарқанд	06:21	07:51	12:21	14:39	16:37	18:07
Термиз	06:19	07:49	12:19	14:37	16:35	18:05
Урганч	06:47	08:17	12:47	15:05	17:03	18:33
Фарғона	06:02	07:32	12:02	14:20	16:18	17:48
Қарши	06:23	07:53	12:23	14:41	16:39	18:09

ни махфий тут, яъни ҳеч кимга айтма. 3. Унинг айбина халқдан бекит, аммо ўзидаң эмас, зеро, дўстнинг айбини юзига айтмоқ ҳақиқий дўстликдир, токи у ўзини ислоҳ қиласин. Ҳусусан, диний айбларини айтгани яхши: намоз ўқимаслик, рўза тутмаслик, ҳаром емоқ ва ҳаром юрмоқлик каби айблар. Умари одил разияллоҳу анҳу айтибдурлар: «Менинг айбларимни менга айтган кишига Аллоҳ раҳм қиласин. Рубойи:

Дўст он бошад, ки айби ёрашро
Ҳамчу оина рў ба рў гўяд .
На ки ҳамчу шона бо ҳазор забол,
Паси сар рафта мў ба мў гўяд.

Яъни, ҳақиқий дўст шулки, айбни ойнага ўхшаб юзига айтсан. Тароққа ўхшаб бошнинг орқасига бориб, минг тил билан соchlарга айтмасин. 4. Дўстингнинг сўзини жону дил билан эшиш. 5. Айтган сўзига эътиroz қилма ва унинг сўзидан айб ахтарма. 6. Уни чиройли ном (исм) билан чақир. 7. Қилган яхшиликларининг қадрини билиб, унга айт. 8. Унинг ғайбига, яъни орқасида доим яхшиликларини айт ва яхшилик билан эсла. 9. Насиҳат қилмоққа ҳожат тушса, муфассал, мулойимлик ва чиройли сўзлар билан насиҳат қил ва дағаллик билан муомала қилма. 10. Унинг хатолари-

**Ҳаёси ўқ пўсти шиллиб
олинган ёғоч ёки ёги тугаган
чироқка ўхшайди.**

**2012
ДЕКАБРЬ 24**

Сафар 1434 10

ДУШАНБА	Тонг	Куёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	06:13	07:43	12:12	14:30	16:28	17:58
Андижон	06:01	07:31	12:00	14:18	16:16	17:46
Бухоро	06:34	08:04	12:33	14:51	16:49	18:19
Гулистон	06:20	07:50	12:19	14:37	16:35	18:05
Жиззах	06:19	07:49	12:18	14:36	16:34	18:04
Навоий	06:32	08:02	12:31	14:49	16:47	18:17
Наманган	06:03	07:33	12:02	14:20	16:18	17:48
Нукус	06:51	08:21	12:50	15:08	17:06	18:36
Самарқанд	06:22	07:52	12:21	14:39	16:37	18:07
Термиз	06:20	07:50	12:19	14:37	16:35	18:05
Урганч	06:48	08:18	12:47	15:05	17:03	18:33
Фаргона	06:03	07:33	12:02	14:20	16:18	17:48
Қарши	06:24	07:54	12:23	14:41	16:39	18:09

ни авф қил. 11. Ўзингнинг юкингни, яъни оғирлигингни унга ташлама. 12. Биродарингнинг хурсандчилигига хурсанд, ғамида ғамшерик бўл. 13. Ундан олдин салом бер. 14. Ҳаддан зиёда иззат ва ҳурмат қил. 15. Сўзининг орасида сўзлама. 16. Ўзингга раво кўрган нарсани унга ҳам раво кўр. 17. Юзига доим табассум билан боқ, мадҳ ва мақтов сўзлар билан кутиб ол. 18. Юришда уни ўзингдан олдинга ўтказ, чиройли ва тоза мақомда ўтиришга таклиф қил. 19. Ундан ёрдамингни аяма. 20. Унинг душманлари билан дўстлик ва дўстлари билан душманлик қилма. Рубоий:

Бо душмани ман чу дўст бисер нишаст,
Бо дўст набоядамам дигар бор нишаст.
Парҳез аз он шакар, ки бо заҳр омехт,
Бигрэз аз он магас, ки бо мор нишаст.

Яъни: душманим билан кўп ўтирган дўстнинг олдида бошқа ўтирмайман. Чунки заҳар билан аралашган шакардан парҳез қилмоқ ва илон билан ўтирган пашшадан қочмоқ оқилларнинг ишидир.

*“Футувватномаи Султоний” асари асосида
тайёрланди.*

25

2012
ДЕКАБРЬ

II 1434

Сафар

*Беадаб одамлар билан
сухбатдош бўлгандан, ёлгиз
ўтирган афзал.*

СЕШАНБА	Тонг	Куёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	06:14	07:44	12:12	14:29	16:27	17:57
Андижон	06:02	07:32	12:00	14:17	16:15	17:45
Бухоро	06:35	08:05	12:33	14:50	16:48	18:18
Гулистан	06:21	07:51	12:19	14:36	16:34	18:04
Жиззах	06:20	07:50	12:18	14:35	16:33	18:03
Навоий	06:33	08:03	12:31	14:48	16:46	18:16
Наманган	06:04	07:34	12:02	14:19	16:17	17:47
Нукус	06:52	08:22	12:50	15:07	17:05	18:35
Самарқанд	06:23	07:53	12:21	14:38	16:36	18:06
Термиз	06:21	07:51	12:19	14:36	16:34	18:04
Урганч	06:49	08:19	12:47	15:04	17:02	18:32
Фарғона	06:04	07:34	12:02	14:19	16:17	17:47
Қарши	06:25	07:55	12:23	14:40	16:38	18:08

ҒИЙБАТЧИННИНГ ЖАЗОСИ

Бир киши Ҳасан Басрийнинг олдиларига келиб:

– Фалончи сенинг ҳақингда номаъкул гапларни галирди, – дебди.

– Қачон?

– Бугун.

– Қаерда?

– Уйида.

– Унинг уйида нима қилаётган эдинг?

– Зиёфатга борувдим.

– Зиёфатда нима единг?

Ҳалиги киши саккиз ҳил таомнинг номини санади.

Шунда Ҳасан Басрий:

– Ўша одамнинг саккиз ҳил таоми қорнингга сиғди-ю, бир оғиз сўзи сиғмадими? Тур, кет бу ердан! – деди ва гийбатчини ҳайдаб сопди.

Эй одам боласи, нега биродарингга ҳасад қиласан? Агар Аллоҳ сўйганилиги сабабли у бандага неъмат ато қитган бўлса, сен Аллоҳ сўйган бандага қандай ҳасад қиласан? Агар унинг мол-давлат топишига бошқа сабаб бўлса (яъни, ҳаром йўллар билан топган бўлса), оқибатда дўзахга эйтубчи бўлган мол-давлатнинг нимасига ҳасад қиласан?

Ҳасан Басрий

Жойи ва ўрнида қылтимаган яхшилик зулм қилиши билан тенгдир.

**2012
ДЕКАБРЬ**

Сафар 1434 12

ЧОРШАНБА	Тонг	Қуёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтан
Тошкент	06:15	07:45	12:12	14:28	16:26	17:56
Андижон	06:03	07:33	12:00	14:16	16:14	17:44
Бухоро	06:36	08:06	12:33	14:49	16:47	18:17
Гулистон	06:22	07:52	12:19	14:35	16:33	18:03
Жиззах	06:21	07:51	12:18	14:34	16:32	18:02
Навоий	06:34	08:04	12:31	14:47	16:45	18:15
Наманган	06:05	07:35	12:02	14:18	16:16	17:46
Нукус	06:53	08:23	12:50	15:06	17:04	18:34
Самарқанд	06:24	07:54	12:21	14:37	16:35	18:05
Термиз	06:22	07:52	12:19	14:35	16:33	18:03
Урганч	06:50	08:20	12:47	15:03	17:01	18:31
Фарғона	06:05	07:35	12:02	14:18	16:16	17:46
Қарши	06:26	07:56	12:23	14:39	16:37	18:07

ОНА ДУОСИ

Хўжа Ҳофизнинг отаси ёш ўлиб, оила танг аҳволга тушиб қолади. Улар оиласада уч ўғил бўлиб, икки акаси кун кўриш учун бошқа шаҳарга иш қидириб кетади. Онаси билан қолган кичкинтой Мұҳаммад бир новвойга шогирд тушиб, ярим тундан то тонгга қадар нон учун хамиртуруш тайёрлар, минг мashaққат билан топган пулини учга тақсимлаб, бир қисмини онаси билан ўзининг тирикчилигига ишлатар, иккинчи қисмини таҳсил олишга сарфлар, учинчи қисмини эса бева-бечораларга хайру-эҳсон қилар эди.

Оналарини ташлаб кетган акаларининг номи тарихдан ўчиб кетди, Мұҳаммад эса улуғ шоир бўлиб етишиб, оламни забт этди.



Эркакларнинг камолоти шуки, ким ота-онасига яхшилик қилса, силаи раҳм ришталарини боғласа, аҳли аёли ва фарзандлари билан ҳам хулқини яхши қилса, динини сақласа, молини ҳаромдан ислоҳ қилса, унинг ортигидан инфоқ-эҳсон берса, тилини сақласа, ўз уйини лозим тутса, яъни ишидан вактида келса, ўша эркакларнинг комилидир.

Фузайл ибн Иёз

27

2012
ДЕКАБРЬ

13 1434

Сафар

*Иззат – одабда, хорлик –
гуноҳкорда, баҳт – қаноатда
бўлади.*

ПАЙШАНБА	Тонг	Куёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	06:17	07:47	12:13	14:28	16:26	17:56
Андижон	06:05	07:35	12:01	14:16	16:14	17:44
Бухоро	06:38	08:08	12:34	14:49	16:47	18:17
Гулистан	06:24	07:54	12:20	14:35	16:33	18:03
Жиззах	06:23	07:53	12:19	14:34	16:32	18:02
Навоий	06:36	08:06	12:32	14:47	16:45	18:15
Наманган	06:07	07:37	12:03	14:18	16:16	17:46
Нукус	06:55	08:25	12:51	15:06	17:04	18:34
Самарқанд	06:26	07:56	12:22	14:37	16:35	18:05
Термиз	06:24	07:54	12:20	14:35	16:33	18:03
Урганч	06:52	08:22	12:48	15:03	17:01	18:31
Фарғона	06:07	07:37	12:03	14:18	16:16	17:46
Қарши	06:28	07:58	12:24	14:39	16:37	18:07

БАРКАМОЛ ОИЛА-ЮРТ ТАЯНЧИ

Оила табиятнинг шоҳ асаридир.

Сантаяна

Келажак ниҳоллари оиласга қадалган бўлади. Негаки оила инсоният учун бешик мисоли.

Ҳеч кузатганимисиз, нега учган қалдирғочлар ўз уйини излар, ўзга инларга бир зум ҳам қўнмас. Уларнинг ўз уйини топиб келишидан оила нақадар муқаддас эканлигини ҳис қиласман.

Қаҳрамонлик қўшиғи бўлиб янграган "Алпомиш"да ўзбек қизлари тимсоли бўлиб гавдаланган Барчин Алпомишга садоқатли ёр бўлди, ўз вафоси туфайли ўз оиласини яна қайтадан тиклади. Шу сабабдан бугун у барчамизга ўрнақдир.

Асрлар силсиласида сайқалланиб келган маънавий меросимиз – халқ оғзаки ижоди ҳам инсонларнинг бирбирини ардоқлаб, биргалиқда меҳнат қилиб яашашларни куйлайди. Доно халқимизнинг доно фикрлари мақолларда мужассам:

Оға-ини тотув бўлса бош кўл, опа-сингил тутув бўлса ош кўл.

Яхши хотин арпа ундан кабоб этар, ёмон хотин буғдой унни ҳам хор этар.

*Фалокатда тогдай жетин,
саҳоватда дарёдай саҳий бўл!*

2012
ДЕКАБРЬ 28

ЖУМА	Тонг	Куёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	06:18	07:48	12:13	14:27	16:25	17:55
Андижон	06:06	07:36	12:01	14:15	16:13	17:43
Бухоро	06:39	08:09	12:34	14:48	16:46	18:16
Гулистан	06:25	07:55	12:20	14:34	16:32	18:02
Жиззах	06:24	07:54	12:19	14:33	16:31	18:01
Навоий	06:37	08:07	12:32	14:46	16:44	18:14
Наманган	06:08	07:38	12:03	14:17	16:15	17:45
Нукус	06:56	08:26	12:51	15:05	17:03	18:33
Самарқанд	06:27	07:57	12:22	14:36	16:34	18:04
Термиз	06:25	07:55	12:20	14:34	16:32	18:02
Урганч	06:53	08:23	12:48	15:02	17:00	18:30
Фарғона	06:08	07:38	12:03	14:17	16:15	17:45
Қарши	06:29	07:59	12:24	14:38	16:36	18:06

Оила тузишдан асосий мақсад баркамол фарзандларни вояга етказиш деб билган халқимизнинг бисотидаги куйидаги мақолларга қулоқ тутдим:

Бола сўйсанг, бешикка сўй.

Ўзбек халқи болажон халқ, аммо эркалатишлар болага тўғри тарбия беришни чеклаб қўймаслиги зарур.

Етти ёшар отни “хушт-хушт” лаб сугорма.

Мана шундай оипадаги тарбия фарзанд учун бузиб бўлмайдиган қонун даражасига кўтарилганини Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги Отабек мисолида кўраман. Отабек учун ота-она сўзи худди уларнинг ўзлари каби мұқаддас. Кумуш ҳам шарқ оиласининг одобли қизи. У бирон марта “севдим” сўзини эшиитмасдан севилган ва бунга ишонган.

Оила биноси мустаҳкам қурилиши ва ташқи таъсирларга бардошли бўлиши ҳақида қўп гапирамиз. Аммо ҳаммамиз ҳам биламизки оила қалити ўзимизнинг кўлимизда.

Оила остонасига келиб, келинчакнинг минг хил орзу-истаклар билан уялибгина очган эшиги асло ёпилмасин. Фарзандаларга тарбия берив, дарстурхонининг тўкинлиги учун эрта-кеч меҳнат қилаётган оталаримизнинг хўл белбоғидан айланай.

Аролова Нафиса

29

2012
ДЕКАБРЬ

15 1434

Сафар

*Насиҳатдан узоқ бўлган
йўлдан адашади. Қандай
мақамдатигингдан қатъий назар
насиҳатга ёр бўла.*

ШАНБА	Тонг	Куёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	06:19	07:49	12:13	14:26	16:24	17:54
Андижон	06:07	07:37	12:01	14:14	16:12	17:42
Бухоро	06:40	08:10	12:34	14:47	16:45	18:15
Гулистан	06:26	07:56	12:20	14:33	16:31	18:01
Жиззах	06:25	07:55	12:19	14:32	16:30	18:00
Навоий	06:38	08:08	12:32	14:45	16:43	18:13
Наманган	06:09	07:39	12:03	14:16	16:14	17:44
Нукус	06:57	08:27	12:51	15:04	17:02	18:32
Самарқанд	06:28	07:58	12:22	14:35	16:33	18:03
Термиз	06:26	07:56	12:20	14:33	16:31	18:01
Урганч	06:54	08:24	12:48	15:01	16:59	18:29
Фарғона	06:09	07:39	12:03	14:16	16:14	17:44
Карши	06:30	08:00	12:24	14:37	16:35	18:05

АБУ ДАРДОНИНГ ЎГИТЛАРИ

«Яхшиларингизни севиб, сиз ҳақингизда ҳақ бир гап айтилганида қабул қилар экансиз, хайр-баракот ичрасиз. Чунки ҳақни қабул этган ҳам ҳақ билан амал қилган киши кабидир. Халқни у масъул бўлмаган нарсапарга масъул қилманг ва Аллоҳ номидан ҳеч кимни сўроққа тутманг.

Эй инсон ўғли! Сен ўз амалингга боқ. Зеро, халқдан кўрганларини суриштирадиган киши ҳар доим қайғу чекади ва ҳеч қачон алами сўнмайди.

Аллоҳга Уни кўриб тургандек ибодат қилингиз. Ўзингизни ўликлардан санангиз. Билингки, кун кечиришга етгулик оз сарват сизни йўлдан оздирив, ғафлатга туширувчи катта бойлиқдан яхшироқдир. Ёдингизда бўлсин, яхшилик чиримайди ва ёмонлик унуптилмайди.

Яхшилик мол ва фарзандларнинг кўплигига эмас. Яхшилик кенг феълли, ахлоқли бўлиш, илм олиш ва Аллоҳга ибодат қилишда бошқаларга ибрат бўлишадир.

Яхшилик қилганингизда Аллоҳга ҳамд айтинг, мабодо бирор гуноҳ иш содир этиб қўйсангиз, албатта Аллоҳдан мағфират сўранг».

«Қалбимизнинг нури» китобидан

*Сүзни жойида ганирсанг, уругни
лақтида эккандай мөвасини
аласан.*

2012
ДЕКАБРЬ

Сафар

1434

16

ЯКШАНБА	Тоңт	Қүёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	06:20	07:50	12:13	14:26	16:24	17:54
Андижон	06:08	07:38	12:01	14:14	16:12	17:42
Бухоро	06:41	08:11	12:34	14:47	16:45	18:15
Гулистан	06:27	07:57	12:20	14:33	16:31	18:01
Жиззах	06:26	07:56	12:19	14:32	16:30	18:00
Навоий	06:39	08:09	12:32	14:45	16:43	18:13
Наманган	06:10	07:40	12:03	14:16	16:14	17:44
Нукус	06:58	08:28	12:51	15:04	17:02	18:32
Самарқанд	06:29	07:59	12:22	14:35	16:33	18:03
Термиз	06:27	07:57	12:20	14:33	16:31	18:01
Урганч	06:55	08:25	12:48	15:01	16:59	18:29
Фарғона	06:10	07:40	12:03	14:16	16:14	17:44
Қарши	06:31	08:01	12:24	14:37	16:35	18:05

КИМ НИМАНИ ЁҚТИРАДИ?

Расулуппох (солаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат қиладилар:

“Менга дунёда уч нарса севдирилди:

- Хушбўйлик;
- (Яхши) аёллар;
- Кўзимнинг нури – намоз.

Буларни айттаётганларида саҳобалар билан бирга эдилар. Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) деди:

– Тўғри айтдингиз, эй Аллоҳнинг расули. Менга ҳам дунёда уч нарса севимли қилинади:

- Аллоҳ расулининг юзига қараш;
- Молимни Аллоҳ расулининг йўлида инфоқ қилиш;
- Қизимнинг Аллоҳ расули билан турмуш куриши.

Ҳазрат Умар (р.а.) деди:

– Тўғри айтдингиз, эй Абу Бакр! Менга эса дунёда уч нарса севдирилди:

- Амри бил-маъруф (яхшиликни буюриш);
- Наҳий анил-мункар (ёмонликдан қайтариш);
- Эски кийим (кийиш).

Ҳазрат Усмон (р.а.) сұхбатга қўшилдилар:

– Тўғри гапирдингиз, эй Умар! Менга эса бу дунёдан уч нарса севдирилди:

- Очларни тўйдириш;

410000

31

2012
ДЕКАБРЬ

17

1434

Сафар

Маъносиз сўз эгасининг юз
корасидир.

ДУШАНБА	Тонг	Куёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	06:21	07:51	12:13	14:25	16:23	17:53
Андижон	06:09	07:39	12:01	14:13	16:11	17:41
Бухоро	06:42	08:12	12:34	14:46	16:44	18:14
Гулистон	06:28	07:58	12:20	14:32	16:30	18:00
Жиззах	06:27	07:57	12:19	14:31	16:29	17:59
Навоий	06:40	08:10	12:32	14:44	16:42	18:12
Наманган	06:11	07:41	12:03	14:15	16:13	17:43
Нукус	06:59	08:29	12:51	15:03	17:01	18:31
Самарқанд	06:30	08:00	12:22	14:34	16:32	18:02
Термиз	06:28	07:58	12:20	14:32	16:30	18:00
Урганч	06:56	08:26	12:48	15:00	16:58	18:28
Фаргона	06:11	07:41	12:03	14:15	16:13	17:43
Қарши	06:32	08:02	12:24	14:36	16:34	18:04

– Ялангочларни кийинтириш;

– Қуръон ўқиши.

Наебат Ҳазрат Алига (р.а.) келди:

– Тўғри айтдингиз, эй Усмон! Менга бу дунёдан уч нарса севдирилди:

– Меҳмонга хизмат қилиш;

– Ёзда рўза тутиш;

– Қилич билан курашиш.

Жаброил (алайҳиссалом) кепди ва Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)га деди: “Аллоҳ таоло гапларингизни эшишиб, мени юборди ва дунё ахлидан бўлганимда нимани севишимни сўрашингизни буюрди”.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ундан: “Дунё ахлидан бўлсангиз, нимани севар эдингиз?” – деб сўрадилар. Жаброил алайҳиссалом жавоб бердилар:

– Йўлидан адашганларга йўл кўрсатишни;

– Дини бутун ғариблар ила дўст бўлишини;

– Йўқсил (муҳтож) оиласаларга ёрдам беришни...

Азиз ва шони улуғ Аллоҳ эса бандаларида ушбу уч хислат бўлишини ёқтиради:

– Бор кучини ибодат ва итоатга сарф этиш;

– Пушаймонлик бўлгани тайин;

– Йўқсил ҳолида сабр этиш”

Ибн Ҳажар Асқалоний «Мунаббиҳот» асаридан